





# TOSHKENT SHAHAR AMOLOT BO'LIMI

## Туманларда

### ХАЙРЛИ ИШЛАРИМИЗ ИЖОБИЙ НАТИЖАСИНИ БЕРАДИ

— Дарҳақиқат, ёшлар қалби-га йўл топиш, билим олиш, касб-хунар эгаллашига яқиндан кўмак бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб ишлар қилинмоқда.

Бу борада туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази, маданият ва спорт ишлари бўлими, Ўзбекистон Давлат тарихи музейи билан ҳамкорликда давра суҳбатлари, учрашувлар, бошқа қизиқарли тадбирлар ташкил этиб, келажак эгаларининг зукко, миллий ва умминсоний қадриятларни эъзозловчи инсон бўлиб вояга етишига ҳисса қўшишга интилоқдамиз. «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танлови, «Аёл борки олам бор» тадбирлари шулар жумласидандир.

Умумхалқ байрамларини ни-

шонлаш доирасида авлоддан авлодга ўтиб келаётган қадриятларимизни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида «Маҳалла» жамғармаси, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, халқ таълими бўлими билан биргаликда «Кушбеги» спорт мажмуасида «Қадрият, урф-одат, анъаналар» лойиҳаси қамровида «Варрақлар сайли», «Миллий халқ ўйинлари» фестиваллари ташкил этилди.

Ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, жамият ҳаётида фаол иштирок этишига кўмаклашиш борасида ҳам бир қатор ишлар қилинмоқда. Жумладан, мамлакатимиз Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, мамлакатимизда

**Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Камолот» ЁИХ томонидан ёшларимизни фидойилик руҳида тарбиялаш, уларда миллий ўзликини англаш, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани эътиборга моликдир. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар хусусида ёшлар ташкилотининг Яққасарой тумани бўлими раиси Беҳзод Гафуров қуйидагиларни гапириб берди:**

ушбу жинойтчиликка қарши амалга оширилаётган ишлар билан таништириб бориш мақсадида туркум давра суҳбатлари ташкил этилди.

Мактаб ўқувчиларининг тарихимизга бўлган қизиқиши ва билимини янада ошириш, жамиятимизда ватанпарвар, ўз тарихини мукамал билувчи ёшлар камол топишига шароит ва имкониятлар яратиш мақсадида Темурийлар ҳамда Ўзбекистон тарихи давлат музейларига экскурсиялар ташкил этиб келинмоқда. Ёш авлод манфаатини ҳимоя қилиш, ижтимоий кўмак муҳтож ўсмирларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам талай ишлар қилинаётир.

Ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароит яратиш, ҳарбий хизматга тайёрлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, гиёвандлик, ОИТС касалликларининг олдини олиш борасида ҳам муайян ишлар қилинди. «Интеллектуал

олимпиада» лойиҳаси доирасида шашка ва шахмат бўйича мусобақалар ўтказилди. Ушбу беллашувларда тумандаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлири, мактаб ўқувчилари иштирок этди. «Гиёвандликка йўқ деймиз» мавзусидаги спорт мусобақаси ҳам барчада яхши таассурот қолдирди.

Хулоса ўрнида шунини айтиб ўтмоқчиманки, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Камалак» болалар ташкилоти фаолияти ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган қатта эътибор ва ғамхўрлик туйғули ёшларимизга барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Аммо ҳар биримиз қилаётган ишларимизнинг натижалари ҳақида унутмаслигимиз лозим. Қолаверса, улар ижобий бўлишига эришишимиз шарт. Мана шу масъуллик ҳисси бизни ҳеч қачон тарк этмасин, деган ниятни билдириб қоламиз.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**  
ёзиб олди

## «КАМАЛАК»КА АЪЗОМИЗ

**Барча таълим муассасаларида сентябрь ойи сайловлар оий сифатида ўтади.**

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими кенгаши томонидан ишлаб чиқилган махсус режа асосида 294 та мактабда 4-синф ўқувчиларини «Камалак» болалар ташкилоти сафига қабул қилиш маросимлари бўлиб ўтди.

Жумладан, Мустақиллик ва эзгулик монументи ёнида Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур, Ҳамза туманларидаги мактаблардан 150 нафар, Темурийлар тарихи Давлат музейида Бектемир, Миробод, Мирзо Улугбек, Юнусобод туманларидаги мактаблардан 180 нафар, Ўзбекистон Миллий боғидаги газал мулкининг султони Алишер Навоий ҳайкали пойида Сергели, Учтепа, Чилонзор, Яққасарой туманларида ташриф буюрган 200 нафар ўқувчини «Камалак» болалар ташкилоти сафига қабул қилиш маросимлари бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирларда шоир ва ёзувчилар, маданият ходимлари, «Камолот» вакиллари сўзга чиқиб, ёш авлод учун бугунги кунда юртимизда яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида тўққинлаб гапиришди ва ёшларнинг келажакдаги ўқиш ва ишларига омадлар тилашди.

Тадбир давомида ҳаракат аъзолиги сафига қабул қилинган ҳар бир ўқувчи «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ишлаб чиқилган махсус кўкрак нишонлари топширилиб, уларга юксак ишонч ва масъулият билдирилди. Шу ўринда ўқувчилар ҳам келажакда аъло ва яхши баҳоларга ўқишга, тенгдошларига ҳар доим ўрнак кўрсатишга, келажакда пухта билим эгаллаб, юртимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшадиган фарзандлар бўлишга ваъда беришди. Тадбирлар давомида ёш эстрада хонандалари томонидан концерт дастурлари намойиш этилди.

**Баҳодир ЗИЁВИДИНОВ,**  
«Камолот» ЁИХ шаҳар бўлими кенгаши мутахассиси

## КЕЛАЖАГИМИЗ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

**«Камолот» ЁИХ шаҳар бўлими кенгаши ташаббуси билан туманларда Ёшлар ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилаётгани қувонарли ҳол.**

Ёшларга турли фанлардан янада пухта билим бериш, уларга касб-хунар сирларини ўрганишига имкон яратиш мақсадида бундан икки йил аввал «Камолот» ЁИХ Юнусобод тумани бўлими Кенгаши қўшида ўз фаолиятини бошлаган Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази ҳозирда ўғил-қизлар билан гавжум. Чунки марказ қўшида илм-фан, касб-хунар сирларини ўргатишга ихтисослашган ўн та тўғарак ташкил этилган. Ҳозирда ушбу тўғаракларда қатнашаётган ёшлар 300 нафардан ошиб кетди. Тикувчилик, тўқувчилик, бисер, хориж тилларини ўрганиш ва бошқа тўғаракларга қатнашаётганлар кўпчиликини ташкил этмоқда. Келажакда марказ қўшида тўғараклар сонини кўпайтириш назарда тутилган.

**Анвар ВАЛИЕВ**

**Кейинги йилларда «Камолот» ЁИХнинг жойлардаги бошланғич ташкилотларида ёшлар даврасини қамраган ҳолда бир қатор тадбирлар ташкил этилмоқда.**

## МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Тошкент кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш, фойдаланиш давлат корхонасида «Ватан муқаддас, Ватан ягона» мавзусида бўлиб ўтган маънавий-маърифий тадбир фикримиз далили бўла олади.

Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда корхона ва унинг худудий бўлимлари раҳбарлари, ишчи-ҳодимлар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида юртимизда эришилган ютуқлар, имкониятлар ва истиқболдаги режалар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар билдиришди. Шунингдек, тинчликни асраб-авайлаш, айниқса ёшларнинг яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиши, она Ватанга меҳр-оқибатли ва садоқатли фарзанд бўлиши ҳақида дил сўзлари ҳам тингланди.

**Шаҳзода МУҲСИМОВА**

## Маънавият

### ҲАР БИР ФАРЗАНД МЕҲР-ЭЪТИБОРДА

**Маънавият тарғибот марказининг Юнусобод туман бўлими ташаббуси билан Ногиронлар жамиятида «Ҳар бир фарзанд меҳр-эътиборда» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.**

Тадбир шаҳар Адлия бошқармаси, Маънавият ва маърифат кенгаши, «Камолот» ЁИХ маданият ва спорт ишлари бўлимлари, «Оила» маркази ва Тошкент радиотехника касб-хунар коллежи ҳамкорликларида ташкил этилди.

«Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган маданият-маърифий тадбирда сўзга чиққанлар бугунги кунда халқимизнинг дунёқарши, онгу шуури ва тафаккури, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳисси, келажакка ишончи, уларнинг қалбида она Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғулари тобора ошиб, орамизда баргикенг, саховатпеша инсонлар кўпайиб бораётганлигини, Мустақиллик биз учун олий неъмат эканлигини ифтихор билан сўзладилар. Тадбир доирасида Ногиронлар жамияти аъзолари томонидан ташкиллаштирилган кўргазма намойиши йиғилганлар эътиборини тортди.

«Дўстлик» маданият уйи бадийи жамоаси ижросидаги қувноқ куй-қўшиқлар даврага файз бағишлади. Тадбир якунида ташкилотчилар томонидан болажонларга эсдалик совғалари тақдим этилди.

## ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ КЎРГАЗМАСИ

**Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида «Силентиум» номли кўргазма очилди.**

Кўргазма Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида фаолият юритувчи рассомлар ижодидан ташкил этилди.

Кўргазмадан Д.Розиқов, Ш.Ражамов, Н.Шарофхўжаева, Н.Расулов, С.Жабборов ҳамда германиялик рассом Андреа Пихль ижодидан намуналар ўрин олган. Ушбу кўргазмада мамлакатимиз замонавий санъатиға хос тенденциялар ўзига хос шоироналик, нафислик ва мазмунан бойлиги ила қайд этилган. «Силентиум» - сукут, фикрлаш, англаш, сокинликнинг бир кўриниши демакдир. Кўргазманинг асосий мезони эса - бу мазмунни аниқ ва лўнда, конструктив ифода этилишидир.

Айтиш жоизки, кўргазмага қўйилган асарлар атрофга турлича назар ташлашга ва актуал санъатнинг бугунги ҳолатини таҳлил қилишга имкон беради.

## ИЖОДКОРЛАРГА БАҒИШЛАНГАН НАШР

**Яқинда Ўзбекистон Бадий академияси нашри бўлмиш «Ижодимиз ҳақида гапирсак» номли китобнинг бешинчи жилди чоп этилди. Ушбу китоблар туркуми туғилиши ғояси Президентимизнинг бадий ижодкорлар вакиллари билан бўлган учрашувида айтган фикр-мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда юзага келди.**

Профессор Турсунали Кўзиев тахрири остида чоп этилаётган китобнинг аввалги жилдлари сўнгги йилларда чоп этилган бўлиб, аллақачон тасвирий санъат ихлосмандларининг маънавий мулкиға айланган. Навбатдаги китобда турли авлод вакиллари берилиши билан бир қаторда унинг аксарият қисми Баркамол авлод йили муносабати билан ёшлар ижодиётиға бағишланган. Янги нашрда ўқувчи замонавий тасвирий санъатнинг кечаги ва бугунги жараёнлари ҳақида тасаввурга эға бўлади. Ҳар бир ижодкор ўзининг кўзга кўринган асари тарихини ҳикоя қилиш баробарида ҳаётга, санъатга ўз муносабатини билдиради. Ижод сирлари ҳақида китобхон билан ҳамсуҳбат бўлади. Таҳлил қилинаётган асарнинг фотопродукциялари ҳам бериб берилгани китобга янада алоҳида жозиба бағишлайди. Китобда тасвирий санъатимизнинг йирик дарғаларидан И.Савицкий, И.Икромов ва ундан кейинги бўғинга мансуб А.Мўминов, А.Юнусов, Акмал Нур, Д.Мухитдинов, Д.Мурсалимов билан бир қаторда кейинги авлод вакиллари - Л.Башарова, Ж.Гаипов, Г.Султонова каби истеъдод эгаларининг ижодлари ва асарлари намуналари берилган. Китоб рус ва ўзбек тилларида, рангли, нафис қоғозда чоп этилган.

**Гулором ҲАМИДОВА**



## Мустақиллик мевалари

### САНЪАТ ЭЗГУЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

**Энг улуг ва азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида замонавий киёфда барпо этилган таълим масканлари фойдаланишга топширилгани барчамизга бир олам қувонч бахш этди.**

Ёш авлод қалбида гўзалликка меҳр уйғувчи масканлардан бири — 22-музыка ва санъат мактаби ҳам капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

— Мактабимиз 1971 йилда ташкил топган бўлиб, ўтган вақт ичида таъмирталаб ҳолга келиб қолган эди, — дейди ўқув маскани директори Норкул Ризаев. — Президентимизнинг «Болалар музыка ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ бизнинг мактабимиз ҳам тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, янги ўқув йилига тахт қилинди. Йўналишлар бўйича янги музыка чолғулари келтирилди, залларимиз бутунлай янги киёфа касб этиб, барча шароитлар яратилди. Айни кунда мактабимизда 300 нафар ёшнинг бугунги кун талаби даражасида таълим ва тарбия олиши учун 33 нафар устоз-мураббий ўзбек миллий чолғулари, фортепиано, баян-аккордеон, классик гитара, зарбли асбоблар, хореография ва тасвирий санъат йўналишлари бўйича сабоқ беради.

Ушбу музыка ва санъат мактабини янги ўқув йилиға ҳозирлаган Баҳодир Ашуров бошчилигидаги «Анкур» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари тўрт ярим ой давомида қизгин меҳнат жараёнини амалга оширди ва муддатида фойдаланишга топширди. Тубдан таъмирлаш ишларига Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар филиали томонидан 553,9 миллион сўм маблағ сарфланди.

Кўзимиз нури, наслимиз давомчилари, эртаимизнинг ишончли қалқони бўлган фарзандларимизга ҳаммаша ойдин йўллар ҳамроҳ бўлсин. Эзгу ва хайрли мақсад сари дадил одимлаган инсон, албатта мақсадига етади.

**Азиза ЮСУПОВА**  
Козим Улмасов олган суратлар



**Юрт фойзи, миллат давомийлиги, хонадонлар ободлиги, авлод келажак соғлом аёлнинг гайратидандир. Баркамол авлоднинг ижодкори ва тарбияловчиси, вояга етказувчиси ҳам соғлом аёлдир.**



спортнинг саккиз тури бўйича беллашувлар, қизлар ўртасидаги «Спорт маликаси» мусобақалари, Наврўз байрами доирасида миллий спорт ўйинлари ташкил этилиб, уларда минглаб аёллар фаол иштирок этиб келаятир. Фикримизнинг яққол исботидир.

### Фестиваллар

## СОҒЛОМ АЁЛ — СОҒЛОМ АВЛОД

— Ҳозирда хотин-қизлар кўмиталари томонидан долзарб масалалардан бири бўлган спортчиларни тарбияловчи аёл мураббийлар сафини кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси Муҳтарам Бўриева. — Айтиб ўтиш жоизки, қишлоқ жойлардаги спорт мажмуаларига аёл мураббийларни кенг жалб этиш учун Ўзбекистон Жисмоний тарбия институтида «Хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналиши» ташкил этилди. Баркамол авлод йилида 225 нафар ёш спорт мураббийи тахсилни тугатиб, ўз фаолиятини бошлаши ҳам эзгу ишларнинг са-

марасидир. «Аёл соғлом бўлса — авлод соғломдир» шиори остидаги аёллар спорт фестивали ва республика гимнастрада мусобақалари ҳам анъанавий тадбирлардан бирига айланиб қолгани қувонарлидир. Волейбол, енгил атлетиканинг тўрт тури — стол теннис, шахмат, дартс, сузиш бўйича ўтказиладиган аёллар спорт фестивалига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 300 нафар, республика гимнастрада беллашувларига 200 нафар аёл таклиф этилган.

Мусобақалар «Универсал» мажмуаси ва Ўзбекистон Миллий университетининг спорт заллари-

да ўтказилади. Фестиваль доирасида ҳамкорлар кўмагида иштирокчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида маданий-маърифий дастурлар тайёрланган бўлиб, шахримизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил этилиши ҳам режалаштирилган. Голиблар ва иштирокчиларнинг кимматбахона совгалар билан тақдирланади. Ташкилотчилар фикри билан айтганда, ушбу тадбирлар ўтказилишидан асосий мақсад, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, аёлларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш орқали оналар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлоднинг вояга етказишга ҳисса қўшишдан иборат. Зеро, аёл соғлом бўлса, авлод соғлом бўлади.

**Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА:** аёллар спорт фестивали очилиш маросимидан лавҳалар. **Козим Ўлмасов олган сўратлар**



### Спорт янгиликлари

## ЖАНГОВАР ДУРАНГ

**Қатар пойтахти Доха шаҳрида келгуси йили футбол бўйича уюштириладиган Осиё чемпионатида жиддий ҳозирлик кўраётган Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафарда Эстония миллий терма жамоаси билан назорат-ўртоқлик учрашувида куч синашди.**

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Москвада «Локомотив» командасига 1:2 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйган жамоамиз эстонларга қарши баҳсда Шацких етакчилигида майдонда ҳаракат қилди. Бу сафар ҳамюртларимиз бир-бирларини қўллаб-

қувватлаган ҳолда сермазмун ўйин намойиш эта олишди. Шу куни мухлислар 6 та голнинг гувоҳи бўлгани ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Қувонарлиси, ҳар икки жамоа мухлисларга ҳужумкор, тезкор, комбинацион ўйин намойиш этди. 90

дақиқа давомидаги мurosасиз беллашув 3:3 ҳисобида жанговар дуранг билан якунланди. Голларни Эстония терма жамоасидан Пурье, Васильев (2 та), Ўзбекистон терма жамоасидан Шацких (2 та), Гейнрих йўллади.

**Анвар ЙЎЛЧИЕВ**

## ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

Токио шаҳрида дзюдо бўйича эркеклар ва хотин-қизлар ўртасида бошланган жаҳон чемпионатида дунёнинг 111 мамлакатидан келган жами 848 нафар дзюдочи чемпионат медаллари ва 2012 йили Лондонда бўладиган ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган рейтинг очколари учун куч синашмоқда, деб хабар беради ЎЗА.

Жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини ўн уч нафар спортчи ҳимоя қилмоқда. Ўзбекистон терма жамоаси таркибига Пенч Олимпиадасининг кумуш ва бронза медаллари соҳиблари — Абдулла Тангриев, Ришод Собиров, жаҳон чемпионати бронза медаллари совриндори Дилшод Чориев, халқаро турнирлар голиб ва совриндорлари — Ўткир Қурбон, Рамзид-

дин Саидов, Мирали Шарипов, Шокир Мўминов, Хуршид Набиев каби тахрибали дзюдочилар билан бир қаторда Зафар Арслон, Габит Есимбетов, Мирзожид Фармонов, Наврўз Жўрақобил, Улуғбек Нурқобил, сингапри умидли ёшлар ҳам жалб қилинган.

Мусобақанинг дастлабки беллашувлари оғир вазили дзюдочилар ўртасида ўтказилмоқда. Оғирлиги юз ки-

лограммгача бўлган спортчилар баҳсида қатнашаётган Ўткир Қурбон бронза медал учун курашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Истеъдодли полвонимиз саралаш учрашувларида Америка Самоасидан келган Себастьян Майбир, грузиялик Леван Жоржелиани, мисрлик Рамазон Дарвиш устидан галаба қозонди.

Жаҳон чемпионатининг

тўртинчи учрашувида Ў.Қурбон мўғулистонлик Тувшинбаяр Найданга кичик ҳисобда имкониятни бой берган бўлса-да, дастлабки учта галабаси эвазига унинг ўрин учун курашиш имкониятини сақлаб қолди. Хамюртимиз бронза медал учун бўладиган баҳсда Куба вакили Орайди Деспане билан рақобатлашади.

**Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ**

## АЗАЛИЙ РАҚИБЛАР БЕЛЛАШДИ

**Мамлакат XIX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 19-тур баҳсида азалий рақиблар — «Пахтакор» ва «Нефтчи» командалари «Пахтакор» марказий стадионида беллашди.**

Ҳар сафар бу икки жамоа ўртасида кечадиган беллашув мurosасиз курашларга бой, қизиқарли ўтган. Бу гал ҳам стадионга йиғилган мухлислар комбинацияларга бой, чиройли ўйинни кутишгани бор гап. Дарҳақиқат, баҳсда ҳар икки жамоа сермазмун ўйин намойиш этди. Тошкентликлар ҳам, фарғоналиклар ҳам майдонга фақат галаба қозониш иштиёқида тушганликларини яшириб ўтиришмади. Хавфли вазиятлар ҳар икки дарвоза олдида содир этилди. Фақат биргина вазиятда майдон эгалари ҳужумчиси Гейнрих жамоадoshiлари бошлаб берган ҳужумни самарали якунлаб, дарвозага аниқ зарба йўллади ва жамоасини 1:0 ҳисобида олдинга чиқиб олишини таъминлади. Ушбу ҳисоб ўйин охиригача ўзгармай қолди.

Амалдаги чемпион жамоа «Бунёдкор» эса сафарда «Динамо» командаси устидан 2:1 ҳисобида галаба қозонди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Хоразм» — «Металлург» — 2:3, «Машъал» — «Шўртан» — 1:1, «Олмалик» — «Локомотив» — 1:1, «Андижон» — «Насаф» — 1:0, «Навбахор» — «Қизилқум» — 1:1.

Мамлакат XIX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоаларининг 20-тур баҳслари 18 сентябрда бўлиб ўтади.

**Ақбар ЙЎЛДОШЕВ**



Бош муҳаррир  
**Ақмал АҚРОМОВ**  
Манзил: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65, факс: (371) 232-11-39.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563  
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
2882 нуска босилди.  
Қоғоз бирлиги А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
123 5



## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ АСРЛАРНИ БЎЙЛАГАН ҲИКМАТЛАР

Алишер Навоий ижодида муболағанинг «Тоғни дашт қилиб, даштни тоғ айлади дардим» қабилидаги ғулув тури кўпроқ учрайди:

**Бўлибтур заъфим ул янглиғки, боссам мўрни ўлмас, Вале ул жисмим узра чиқса, дардидин чиқар жоним.**

«Шунчалик заифлашибманки, чумолини боссам ҳам, у ўлмайди, лекин чумоли устимга чиқса, оғирлигидан жоним чиқади».

Албатта, одам боласининг бу даражада заифлашиши одатдан ташқари, ақлга ҳам тўғри келмайди. Байт орқали шоир ишқ дастида ҳаддан ортиқ ранжу азоб чекиб, ожизу нотавон бир аҳволга тушганлигини муболаға йўли билан билдирмоқда.

Навоий ижодида ташхис санъати ҳам кўп дуч келамиз. Ташхис деб илми бадеъда шахслантириш, яъни табиатдаги нарса-ҳодисаларни жонлантириб, уларга инсонга хос хусусиятларни нисбат беришга айтаилади.

**Янги ойни қошинг гўё қулум дебтур ҳилол отлик, Қади таъзим учун ҳамдур бўлуб бу нуктадин мамнун.**

«Қошинг янги ойни Ҳилол отлик қулим деганига у бу илтифотдан мамнун бўлиб, таъзим учун қаддини ҳам қилибди».

Бу ерда ҳилол жонлантириб, инсонга ўхшаб таъзим қилдирилмоқда. Айни пайтда, байтда хусни таълил санъати ҳам мавжуд: ҳилолнинг эгиклигига унинг маъшуқа қошига таъзим қилаётгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Қуйидаги байтда эса сабо жонлантирилиб, у гунчанинг ёқасини йиртиб, қўйини ҳарчанд ахтармасин, маҳбубанинг жонбахш каломидек сўз гавхарини топмаганлиги айтаилапти:

**Каломинг гавҳаридек топмаиш, гарчи сабо илги ёқасин гунчанинг йиртиб, нечаким қўйин ахтармиш.**

Маълум бўладики, Алишер Навоий ижодида бадиий санъатлардан холи шеър тугул, байт ҳам йўқ экан. Албатта, у тазод, талмеҳ, ийҳом, ирсол ул-масал, тажохули орифона, лафф ва нашр, истиора, тажнис, таносуб, ружуъ, такрор, тарсеъ, саволу жавоб, қалб, иштиқоқ, тарди акс, фахрия, каломи жомеъ, зулқофиятайн каби кўпдан-кўп санъатлардан ҳам маҳорат билан фойдаланганки, уларнинг барчаси ҳақида бу ерда фикр юритишнинг имкони йўқ. Шоир маҳоратининг юксаклиги ҳам, асарларининг бадиий баркамоллиги ҳам шунда. Айни жиҳатдан, Абдулла Орипов: «Навоий газалларининг ҳар бир мисрасидаги образ бизнинг бутун бир шеърятимиздаги хулосадан бир неча маротаба баланд туради», — деганида ҳақли эди. Бутун бошли шеърни биргина ташбиҳ ёки деталь асосига қураётган ҳозирги ёш шоирлар учун Алишер Навоийдек сўз санъаткорлари ижоди бу борада маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**



Манежда Мустақиллик байрамини нишонлашга бағишланган катта ранг-баранг дастур

Касса. Тел.: 244 35 91, 244 35 94, 244 32 23. www.sirk.uz